

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАМАТОВА НАРГИЗА ЖАМОЛИДИНОВНА**

**ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ  
ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган– 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора педагогики (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Абдусаматова Наргиза Жамолидиновна**

Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш ..... 3

**Абдусаматова Наргиза Жамолидиновна**

Развитие педагогических возможностей духовно-нравственного воспитания детей дошкольного возраста на основе интеграционного подхода ..... 25

**Abdusamatova Nargiza Jamolidinovna**

Developing pedagogical opportunities for spiritual and moral education of preschool children on the basis of integrated approach..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список о опубликованных работ

List of published works ..... 53

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАМАТОВА НАРГИЗА ЖАМОЛИДИНОВНА**

**ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ**  
**БОЛАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ**  
**ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган– 2021**

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.PhD/Ped.397 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифаси ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акрамов Абдумалик Абдумуталович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупова Шехида Жалолиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдурахимова Дилфуза Алиевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Кўкон давлат педагогика институти**


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги, PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» Ноябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (602 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» И куни тарқатилди.  
(2021 йил «27» К даги 7 - рақамли реестр баённомаси).



  
**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
**Ш.К.Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

  
**К.М.Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизимида инновацион ривожланиш тенденцияларига мос равишда мактабгача ёшдаги болаларни маънавий баркамол ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда таълим ва тарбия самарадорлигига йўналтирилган илғор ёндашувлар ва технологиялар татбиқ этиш амалиёти кенг жорий этилган. Айниқса, оила билан мактабгача таълим ташкилотининг тарбиявий имкониятларини интеграциялаш орқали болаларни маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг педагогик механизмларини ишлаб чиқишга устувор аҳамият берилмоқда. Англия, Германия, АҚШ, Корея, Япония, Франция, Россия каби ривожланган давлатларда таълим жараёнига интеграцион ёндашувни таъминлаш билан бир қаторда мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларни интеграцион ёндашув асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологиясини такомиллаштириш ва бу борада тарбиявий жараёнларга комплекс ёндашув асосида тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни таркиб топтиришнинг инновацион-педагогик моделларини ишлаб чиқиш, айниқса мақбул диагностик воситаларни модификациялаш орқали болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлигини ташхис этишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш, болаларни дастлабки одоб-ахлоқ қоидаларига ўргатиш, мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий интеллектини ривожлантиришда маънавий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини ривожлантириш, уларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш орқали ижтимоий ҳаётга мослаштириш, мактабгача таълим тизимида болаларни интеграцион ёндашув асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилиб, болалар ва уларнинг тарбияси масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида<sup>1</sup> мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бу борада мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, мактабгача таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, мактабгача

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312 сонли қарори.

таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Мактабгача таълим ва тарбиянинг Давлат стандартида мактабгача таълим тизимини замонавий талабларга асосланган ҳолда ташкил этиш, бола таълими ва ривожланишидаги мазмуннинг таркибий қисмларига интеграция, хилма-хиллик ва мослашувчанлик тамойиллари асосида ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сон “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802 сон “Мактабгача таълим ва тарбиянинг Давлат Стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда фанлараро алоқадорлик ва интеграцион ўқитиш жараёнларини ташкил этиш масалалари бўйича Р.Джураев, У.Мусаев, А. Зуннунов, С.Каримбеков, Р.Мавлонова, Ф.Қодирова, З.Азимова Б.Абдуллаева, Ш.Юсупова, Қ.Инақов, Н.Абдуллаева, Х.Юлбарсова, Н.Аҳмедова, М. Ирисбаева, О.Жамолитдинова каби олимлар илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишган. Мазкур тадқиқотларда фанлараро алоқадорликнинг турли йўналишлари ва тамойиллари, уларнинг ўқув жараёнида муайян фанларни ўзлаштиришда қўлланилиши, ўқув фанлараро алоқадорлик асосида таълим мазмунига қўйиладиган талаблар илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган.

Мамлакатимизда ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик масалалари, маънавият, ахлоқ, миллий ғурур, маданиятни шакллантириш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик масалалари, оилада ва таълим ташкилотларида бола шахсини тарбиялашнинг ўзига хосликлари М.Қурононов, М.Иномова, О.Мусурмонова, З.Исмаилова, У.Маҳкамов, Ш.Мардонов, Н.Ортиқов,

Б.Рахимов, Д.Рўзиева, Д.Шарипова, Б.Ғаниев, Д.А.Абдурахимова, Н.Эгамбердиева, З.Солиева, Я.А.Нурумбекова, О.Х.Қосимова, А.Э.Хўжакулов, З.Ф.Азизова, А.А.Раҳимов, Г.А.Мардонова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ўрганилган.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш ва интеграцион таълимдан фойдаланишга йўналтирилган тадқиқотлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан М.В.Лазарева, С.Д.Сажина, Е.Н.Колосова, Н.К.Чапаев, Т.Е.Пахомова, В.Н.Скворцов, А.А.Харунжев, И.Н.Павленко, Л.Г.Савенкова, А.В.Теремов ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Хорижий олимлардан J.Gilbert, F.Cochran, J.DeRuiter, R.E.Maeder, J.W.Gray, M.L.Dejong, M.Trott, R.J.Gaylordларнинг ишларида интегротив таълим технологияларини қўллашнинг афзалликлари ва имкониятлари ёритиб берилган. Мазкур илмий изланишларда мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг турли жиҳатлари, яъни машғулотлар ва машғулотлардан ташқари вақтларда дастлабки хулқ-атвор маданиятини шакллантириш, болалар жамоаси ўртасида интегротив муҳитни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бироқ мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятлари, мактабгача таълим ташкилотларида болалар фаолиятини ташкил этишга интегротив ёндашиш алоҳида тадқиқ этилмаган. Мазкур муаммонинг илмий ва амалий долзарблигини, тадқиқотчилар томонидан ўрганилмаганлигини инобатга олиб, “Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш” мавзуси тадқиқот учун танланди.

**Тадқиқотнинг диссертация мавзуси бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ривожлантиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнларининг педагогик-психологик хусусиятларига кўра компетенциявий ёндашув асосида интеграциялашнинг педагогик структурасини ўрганиш;

мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнлари мазмунини ҳаётий вазиятларга кўра болаларда шакллантирилиши зарур бўлган компетенцияларга мувофиқ таҳлил қилиш;

мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг интегротив моделини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантирувчи муҳит таъсирида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнларининг мазмуни, шакл, метод, воситалари ва технологиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, ташхис, педагогик тажриба-синов, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнларини компетенциявий ёндашув асосида интеграциялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари ривожланиш соҳалари марказларида тарбияланувчиларнинг фаолиятини индивидуаллаштириш, субъективлик даражасига устуворлик бериш орқали болаларни хулқ-атворга одатлантириб бориш жараёнида ёш даврига мос фазилатлар мажмуини педагогик структуралаш асосида аниқлаштирилган;

ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни ўзини-ўзи тартиблаш, тенгдошлари ва катталарга хушмуомала бўлиш, ўз-ўзига баҳо бериш, киришимлилик, бағрикенглик, ўз хулқ-атворини тузатиш каби сифатларни яхлит таълим-тарбия уйғунлигида босқичма-босқич таркиб топтиришга доир педагогик алгоритмни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг интегратив моделининг амалий компоненти рефлексив машқлар, ролли ўйинлар, интерфаол машғулотларни эртактерапия билан интеграциялаш ва қайта алоқага киришув даражасининг интро ва экстро барқарорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари арттерапияга асосланган эртак томошаларни миллий мусиқа асосида импровизациялаш, болаларнинг холистик ривожланишини таъминлайдиган ривожлантирувчи таълим муҳитининг таъсир даражасини мақбуллаштириш, ички интеграциялашув хусусиятига устуворлик бериш орқали болаларнинг ёшига мос интерактив дастурий воситаларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

интеграцион ёндашув асосида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг вариатив мазмуни тизимлаштирилган;

“Интеграциялашган таълим асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш” номли методик қўлланма нашр эттирилган;

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига мувофиқ болалар фаолияти (ўйин, ўқув ва меҳнат)га (мавзулараро, машғулотлараро, фаолиятлараро ва ривожланиш марказлариаро) интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш борасида маҳаллий ва хорижий манбалар қиёсий-таҳлилий ўрганилганлиги, тадқиқотнинг мазмуни ва асосий йўналишлари назарий жиҳатдан асосланганлиги, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ва илмийлиги, амалга оширилган тадқиқот натижасида интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга оид назарий ёндашувлар, қарашлар, илмий-методик, педагогик тавсиялар билан мактабгача таълим педагогикаси фани бойитилганлиги, мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг объекти ва предмети белгиланганлиги, вазифалари аниқ қўйилганлиги; илгари сурилган илмий ғоялар педагогик тадқиқотларга мос тарзда ташкил этилган тажриба-синовдан ўтказилганлиги ҳамда уларнинг самарадорлик даражаси экспериментал тарзда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган назарий-эмпирик ёндашувлар, қарашлар, илмий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, интеграцион ёндашув асосида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган дидактик вазиятлар мазмуни, принциплари, шакллари, воситалари, усуллари ва методлари, педагогик-психологик имкониятлари такомиллаштирилганлиги, шунингдек, интеграцион ёндашув асосида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг дидактик, психологик хусусиятлари, мазмуни, воситалари, усуллари ва методлари билан бойитилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим ташкилотларида педагогик жараённи ташкил этишга интеграцион ёндашув асосида болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасининг педагогик-психологик диагностикаси, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг интегратив моделини қўллаш имкониятларининг кенгайтирилгани ҳамда олий ўқув юртларининг “Мактабгача педагогика, “Мактабгача таълимда интеграция” (танлов фан), “Болалар нутқини ўстириш”, “Табиат билан таништириш”, “Мактабгача таълимда педагогик диагностика”, “Мактабгача таълимни ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” курслари мазмунини бойитиши, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнларини компетенциявий ёндашув асосида интеграциялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари ривожланиш соҳалари марказларида тарбияланувчиларнинг фаолиятини индивидуаллаштириш, ёш даврига мос фазилатлар мажмуини педагогик структуралаш ва мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнида ижтимоий компетенцияларни яхлит таълим-тарбия уйғунлигида босқичма-босқич таркиб топтиришга доир педагогик алгоритмни ишлаб чиқишга оид таклифлардан 5111800–Мактабгача таълим бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 89-03-5199-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари педагогларида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнига интегротив ёндашишнинг педагогик имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг интегротив моделининг амалий компоненти рефлексив машқлар, ролли ўйинлар, интерфаол машғулотларни эртактерапия билан интеграциялаш ва қайта алоқага киришув даражасининг интро ва экстро барқарорлигини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 03-02/2-3030 маълумотномаси). Натижада мактабгача ёшдаги болаларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари арттерапияга асосланган эртак томошаларни миллий мусиқа асосида импровизациялаш, болаларнинг холистик ривожланишини таъминлайдиган ривожлантирувчи таълим муҳитининг таъсир даражасини мақбуллаштириш, ички интеграциялашув хусусиятига устуворлик бериш орқали болаларнинг ёшига мос интерактив дастурий воситаларни ишлаб чиқишга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А-5-37 рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 03-02/2-3030 маълумотномаси). Натижада мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда медиа тадбирлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, 120 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқлаштирилган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланувчи биринчи бобида интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш педагогик зарурият сифатида асосланган. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбия хусусидаги педагогик фикрлари ва қарашлари, таълим-тарбия жараёнига интеграцион ёндашиш юзасидан Ўзбекистон, МДҲ мамлакатлари ва хорижда тадқиқот олиб борган олимлар ишлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

“Интеграция” сўзи луғатларда изоҳланишича лотинча «integratio» сўзидан олинган бўлиб, қайта қуриш, тиклаш, тўлдириш («integr» – тўлик, бутун, яхлит) деган маънони англатади. Шунингдек, бошқа бир луғатларда “интеграция” – ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, «интегрировать» – бир бутун қилиб бирлаштирмақ, яхлит ҳолга келтирмақ, дейилса, соҳавий луғатларда «интеграция» – ўқитишнинг мақсад ва омиллари бир бутун қилиб бирлаштириш, деб изоҳланади.

Интегротив ёндашув педагогик жараённинг хоҳлаган таркибий қисмида интеграция тамойилини рўёбга чиқаришни назарда тутуди ҳамда унинг бир бутунлигини ва тизимлилигини таъминлайди. Интегротив жараёнлар тизимнинг алоҳида элементларини ёки бутун тизимнинг сифат жиҳатидан қайта яратилиши жараёнларидир.

Маънавий – ахлоқий сифатларни тарбиялаш узлуксиз жараён бўлиб, уни мактабгача таълим босқичидан бошлаш алоҳида аҳамият касб этади. Тарбиявий ишларнинг мақсади болаларнинг баркамол ривожланиши, уларда ижтимоий ҳаёт малакаларини шакллантиришдир. Мактабгача ёшдаги болалар маънавий-ахлоқий тарбиясига интеграцион ёндашиш замонавий дидактиканинг бугунги кундаги долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва

ушбу ташкилотларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш<sup>2</sup> устувор вазифа сифатида белгиланган.

“Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” асосида 3 — 6 (7) ёшли болаларни маънавий тарбиялаш, уларда шахсий фазилатларни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш<sup>3</sup> ва амалга ошириш зарурлиги таъкидланганлиги интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг интегратив моделини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг Давлат стандартига мувофиқ “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”да туғилгандан 7 ёшгача бўлган болалар ривожланишининг бешта асосий (жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари, билиш жараёнини ривожланиши, ижодий ривожланиш) соҳалари мавжуд бўлиб, ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган ва болалар ёш гуруҳларига мос бир нечта талаблардан (кутилаётган ривожланиш кўрсаткичларидан) иборатлиги ривожланиш соҳаларида ҳам интеграцион ёндашувни кўзда тутуди. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларни ривожланиш соҳаларига интеграцион ёндашув асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни “Тил ва нутқ”; “Қуриш, яшаш, конструкциялаш ва математика”; “Санъат”; “Сюжетли ролли ўйинлар ва драмалаштириш”; “Илм-фан ва табиат” ривожланиш марказларидаги болалар фаолияти асосида амалга оширилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда интеграциянинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

**мавзулараро интеграция** – моҳиятан бир-бирига яқин бўлган ўқув материалларини ўзаро уйғунлаштириб, кўзланган ягона мақсадга эришиш; яъни мактабгача таълим ташкилоти давлат ўқув дастуридаги ойлик ва ҳафталик мавзулар интеграцияси асосида болаларда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, ҳафта мавзусини фаолиятнинг турли кўринишларида, шаклларида, таълим жараёнининг барча иштирокчилари билан биргаликда очиқ бериш;

**машгулотлараро интеграция** – мактабгача таълимнинг намунавий ўқув режасига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>3</sup>“Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарорига 1-илова

машғулотлараро интеграция, яъни машғулотлар жараёнида маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга интеграцион ёндашув;

**фаолиятлараро интеграция** – мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ўйин, ўқув ва меҳнат фаолиятини горизонтал интеграциялаш тамойили асосида ташкил этиш натижасида болалар ривожланиш соҳалари компетенцияларини, маънавий-ахлоқий сифатларни уйғун шакллантиришга эришишни ифодалайди, бунда машғулотларда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар кун тартибида режалаштирилган сайрлар, ўйинлар ва ривожланиш марказларидаги болаларнинг мустақил фаолиятлари жараёнида мустаҳкамланади.


**ривожланиш марказлариаро интеграция** – комплекс-мавзули режалаштириш (барча бешта таълим соҳасини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда); ривожланиш марказларидаги болаларнинг мустақил фаолиятини интеграциялаш орқали болаларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини мустаҳкамлаш, шунингдек хулқ-атворида намоён бўладиган салбий хусусиятларни бартараф этиш.

Тарбияланувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатадиган машғулотлар (ўйинли таълим фаолияти), мустақил фаолият, ўйинлар, сайр ва экскурсиялар, тарбиявий ва шахслараро муносабатлар жараёни ўзаро алоқадорлиги, мазкур ташкилий компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги педагогик жараённинг интегратив хусусияга эгалигини ифодалайди. Шу боис, МТТда болалар фаолиятини тўғри ташкил этиш, таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёни яхлит педагогик тизимни ташкил этади.

Маълумки, дунёнинг кўпгина давлатларида ҳам мактабгача таълим узлуксиз таълим-тарбия тизимининг дастлабки бўғини сифатида эътироф этилади. Ривожланган мамлакатларда мактабгача таълимнинг ўзига хос миллий тизими ва илғор тажрибалари мавжуд. Тадқиқот доирасида мактабгача таълим тизимига интеграцион ёндашиш асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари бир қатор ривожланган хорижий давлатлар мисолида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Натижада Ўзбекистондаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари маънавий-ахлоқий тарбиясига интеграцион ёндашишнинг замонавий педагогик имкониятлари аниқлаштирилди.

Диссертациянинг **“Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш”** деб номланган иккинчи бобида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш методикаси такомиллаштирилган. Натижада мактабгача ёшдаги болаларда умумий компетенциялари (коммуникатив компетенция, ўйин компетенцияси, ижтимоий компетенция, билиш компетенцияси)ни холистик ривожланиши асосланган.

Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия жараёнларида қўлланиладиган болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш воситаларидан фойдаланиш механизмлари халқ педагогикаси интеграцияси асосида бойитилган **(1-расмга қаранг)**



**1-расм. Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизми**

Маълумки, халқ педагогикасида тарбиянинг яшовчанлиги устуворлик қилади. Халқ педагогикасида тарбиянинг мақсад ва вазифалари борасида халқнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда турмуш тарзида шаклланган амалий қарашлар мажмуаси мавжуд бўлиб, унда ҳар бир инсон амал қилиши шарт ҳисобланган урф-одат, удум, анъана, турмуш тарзи, бадий ижод, ўйин каби амалий фаолиятлар ўз аксини топган. Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни халқ педагогикасининг бой мероси (халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар ва анъаналар, қадриятлар...) асосида бойитилиши зарур.

Маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни ижтимоий тараққиёт маҳсули сифатида қадриятлар билан боғлиқ бўлиб, болаларнинг ҳаёт тарзи ва хатти-ҳаракатларини маълум мақсадларга йўналтирадиган, тегишли тартибга соладиган маънавий ҳодиса сифатида тарбиявий қимматга эгадир. Қадриятлар тизими кенг ва турлича бўлиб, улардан интеграцион ёндашув жаараёнида самарали фойдаланишга аҳамият берилди.

Тадқиқот ишида мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожланишларига мос келадиган, ўзида маънавий-ахлоқий сифатларни жам қилган эртақлар классификацияланган. Бу эртақлар ёрдамида болалар онгига ўртоқлик ва дўстликнинг олижаноблиги, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, камтарлик, меҳрибонлик, сахийлик, тўғрисўзлик, ширинсўзлик, инсонпарварлик каби фазилатларни сингдирувчи жараёнларни айнан мактабгача ёш давридан бошлаш ва унга амал қилиш кўникмаларини шакллантириш зарурлиги тарғиб қилинади ва эртақдаги ижобий образлардан намуна олишга ундалади. “Ур

тўқмоқ”, “Зумрад ва Қиммат”, “Икки эчки”, “Эгри ва тўғри”, “Саҳийлик ва бахиллик” каби ўзбек халқ эртаклари, “Шолғом”, “Бўғирсоқ”, “Қизил шапкача” каби рус халқ эртакларини сахналаштириш, кўшиқларни, шеърларни, мақолларни ёд олдириш болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш билан бирга уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини, сўз бойлигини, нутқ фаолиятини, эстетик маданиятини, болаларда ижрочилик маҳоратини оширади ҳамда бадий ва театр педагогикаси имкониятларини кенгайтишига ёрдам беради.

Тадқиқот ишида мактабгача ёшдаги болаларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш билан бир қаторда улар хулқ-атворидаги мавжуд кўрқоқлик, дангасалик, инжиқлик, қайсарлик, урушқоқлик, одамовилик, худбинлик каби салбий хусусиятларни бартараф этишда арттерапия ва эртактотерапидан самарали фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган. Айнан эртактотерапия воситасида бола ўзининг ва тенгдошларнинг хулқи ва саломатлигидаги муаммоларни англаб етади. Эртактотерапияни эшитиш давомида, бола аввало ўзидаги муаммонинг борлигини ҳис этади ва эртактаги воқеликда ўзини кўради. Шундан кейингина уни ҳал этиш зарурлигини тушуниб етади, бу муаммони ечиш йўллари эртактотерапия қўлдан келмайдиган ҳолатлардан ташқари, бола ўзи ва ички дунёси билан муносабатлардаги уйғунликни ўрнатиш имконига эга бўлади. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларини болалар интеграцион ёндашув асосида ташкил этиладиган фаолиятлар жараёнида ўзлаштиришлари тўғрисида кўрсатиб ўтилган.

Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнида “Гуруҳлар иши”, “Ақлий ҳужум”, “Ролли ўйин”, “Ишчанлик ўйинлари”, “Индивидуал иш”, “Жуфтликлар иши”, “Сухбат”, “Олти фикрловчи қалпоқчалар”, “Галерея бўйлаб саёҳат”, “Тармоқлар” (Кластер) каби интерфаол методлардан фойдаланиш ва қўллаш муаммоларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Интерфаол методлар асосида интеграциялашган машғулотлардан наъмуналар келтирилган.

Тадқиқот ишида катта ва тайёрлов гуруҳларида мактабгача таълим ташкилоти давлат ўқув дастурига мувофиқ интеграллашган фаолиятлар асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш харитаси ишлаб чиқилди. Катта ва тайёрлов гуруҳларида тил ва нутқ марказидаги “Менинг шахрим менинг маҳаллам” мавзусидаги бадий адабиёт машғулоти, “Сюжетли ролли ўйинлар ва драмалаштириш” ривожланиш марказидаги “Бувижонимникида меҳмонда” номли дидактик ўйини, “Санъат” ривожланиш маркази ва меҳнат бурчагида “Менинг келажакдаги уйим” мавзусида қурилиш блоклари, лево, конструкторлар ёрдамида болалар фаолиятини ташкил этишга интеграцион ёндашиш натижасида тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни (Ватанга садоқат, тadbиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглик, инновацион фикрлаш, зукколик, чакқонлик ва х.к) яхлит ҳолда тарбиялашга эришилади.

Тадқиқот доирасида интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг дидактик модели ишлаб чиқилди **(2-расмга қаранг).**



**2-расм. Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг интегратив модели.**

Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш моделнинг мақсади этиб белгиланди. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди: 1) интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини лойиҳалаштириш; 2) интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган болалар фаолиятларини ташкил этиш; 3) интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик натижалари мониторингини амалга ошириш.

Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун тарбиячилар ўз фаолияти давомида муайян тамойилларга асосланиши зарур: интеграцион ёндашувнинг болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мақсадига қаратилганлиги; маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнига яхлит, мажмуавий ва технологик ёндашув; болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда интеграцион ёндашувнинг мунтазамлиги давомийлиги ва таъсирчанлиги; ўзаро биргаликдаги фаолият ва ҳ.к

**Диссертациянинг “Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ривожлантиришга оид тажриба-синов ишлари самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаси ва тажриба-синов ишлари натижалари баён қилинган.

Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш юзасидан тажриба-синов ишлари учун асословчи ва таъкидловчи босқичлари белгиланди.

Тажриба-синов базаси сифатида Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари мактабгача таълим ташкилотларининг 304 нафар тайёргарлик даражаси бир хил бўлган катта ва тайёрлов гуруҳ тарбияланувчилари танлаб олинди.

Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ижтимоий компетенциялар асосида мезонлар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари самарадорлиги аниқлашда болалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди, уларда интеграцион ёндашув асосида маънавий-ахлоқий тарбияланганлик кўрсаткичлари **юқори, ўрта, паст** даражаларда аниқланди.

Тажриба-синов натижалари қуйидаги ишлаб чиқилган мезонлар асосида таҳлил килинди ва кўрсаткичлар аниқлаштирилди.

**1. Юқори даража.** Болалар она-Ватан ва ўз миллатидан фахрланиш туйғусини ифодалай оладилар; атрофдагилар билан (оила аъзолари, ўртоқлари билан) самимий муносабатларга киришадилар; ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари (*саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш*) катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга меҳрибонлик кўрсатиш, ўзаро ёрдам; ташаббускорлик, фаоллик кўрсатиш; миллий ва маданий қадриятларни

билиш ва улар билан ғурурланиш; топшириқларни бажаришда қатъият ва сабр-тоқат)га амал қиладилар; бадий асар қахрамонлари руҳий ҳолатидан таъсирланиб ва ўз фикр мулоҳазаларини билдирадилар.

**2. Ўрта даража.** Болалар она-Ватан ва ўз миллатидан фахрланиш туйғусини ҳис қиладилар, ижтимоий хулқ-атвор меъёрларининг моҳиятини қисман англайдилар. Атрофдагилар билан мулоқотда ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилиш зарурлигини англаб етсаларда, уларда пассивлик кузатилади. Ўз атрофидаги таниш одамлар билан мулоқотга киришга қийналадилар; муаммоларга дуч келганда танишлардан ёрдам сўрашга журъат эта олмайдилар; бадий асар қахрамонлари руҳий ҳолатидан таъсирланадилар, бироқ бу ҳақда фикр-мулоҳазаларни билдиришга қийналадилар.

**3. Паст даража.** Болалар саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш каби ахлоқ-одоб қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлмайдилар. Атрофдагилар ва ўртоқлари билан мулоқотга киришишни истамайдилар. Топшириқларни бажаришда фаоллик ва ташаббус кўрсатиш зарурлигини англамайдилар.

Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган мезонлар асосида 304 нафар тарбияланувчи билан ўтказилган дастлабки тажриба-синов натижаси кўрсаткичлари 1-жадвалда акс эттирилган. (1-жадвал;)

#### 1-жадвал

#### Респондент-болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси(тажриба бошида)

Тажриба босқичи	Респондент-болаларнинг умумий сони $n_{1,2} = 304$ нафар					
	Тажриба гуруҳлари $n_1 = 151$ нафар			Назорат гуруҳлари $n_2 = 153$ нафар		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	39	47	65	32	51	70

Демак, жадвалдан кўринадики тажрибанинг дастлабки ўзлаштириш кўрсаткичлари орасида фарқ деярли сезиларли эмас. Бу ўз навбатида, илмий тадқиқот иши муаммосининг долзарблигини акс эттиради.

Тажриба-синов ишлари олиб борилаётган тажриба гуруҳи болалари билан “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида машғулотлар, ўйинлар, меҳнат фаолияти, ривожланиш марказларидаги мустақил фаолиятни ташкил этишга интеграцион ёндашилди.

Тажриба жараёнида тарбияланувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатадиган халқ педагогикасининг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, баҳс-мунозара ва суҳбатлар, интерфаол методлар, эртактерапиядан самарали фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда тавсия этилаётган (“Расмга қараб ҳикоя тузинг”, “Боланинг атрофидаги одамлар билан муносабати”, “Мен

кандайман?”, “Ўғил бола-қиз бола”, “Эзгу ишлар халтачаси”, “Уйингиздаги китоблар” каби) методикаларни мактабгача таълим ташкилотларининг мавжуд шарт-шароитларига, болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мос келиши аниқланди. Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси синов учун тавсия этилган методикалар ва юқорида кўрсатилган мезонлар асосида аниқланди.

Таъкидловчи тажриба даврида интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини ёритувчи маълумотлар таҳлил қилинди.

Маълумки, асословчи ва таъкидловчи тажриба жараёнида қўлга киритилган натижалар умумлаштирилсагина, ҳар икки босқичда эришилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади.

Тажриба ва назорат гуруҳида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг статистик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилди. (2-жадвал;)

**2-жадвал**

**Интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасининг яқуний кўрсаткичлари**

№	Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонлари	Жавобларнинг ҳолати ва кўрсаткичлари					
		Тажриба гуруҳи жами –151 нафар			Назорат гуруҳи жами – 153 нафар		
		юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Ўз Ватани, миллати, тили ва ўз маданиятининг муҳим элементларини билиши ва фахрланиши	73	62	16	36	72	45
2	Ижтимоий ҳулқ қоида ва меъёрлар ҳақида тасаввурга эгаллиги ва уларга бўйсунуши	65	66	20	34	70	49
3	Яқин инсонлари ва дўстлари билан ўз ҳиссиётлари ва кечинмалари билан ўртоқлаша олиши	68	65	18	35	73	45
4	Яхши ёки ёмон ҳулққа баҳо бера олиши	70	63	18	35	69	49
5	Бошқаларга намуна бўлишга ҳаракат қилиши ўз ҳиссиётлари назорат қила олиши	67	63	21	38	66	49
6	Мулоқот давомида ўз фикрини, ҳиссиётларини ва таассуротларини намоён эта олиши	71	65	15	32	76	45
7	Эшитган асарларига нисбатан ҳиссиётларини намоён қила олиши	72	62	17	34	73	46
8	Оила ва гуруҳда ташкил этилган меҳнат фаолиятида иштирок этиши	66	66	19	36	69	48
	<b>Ўртачаси</b>	<b>69</b>	<b>64</b>	<b>18</b>	<b>35</b>	<b>71</b>	<b>47</b>

Шу боис таъкидловчи тажриба якунида ҳар икки босқич синов ишларининг якунлари болалар фаолиятини интеграциялаш жараёнида маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси бўйича ўзаро умумлаштирилиб, қуйидаги жадвал ҳосил қилинди (3-жадвал):

### 3-жадвал

#### Интегрatív ёндашиш асосида респондент-болаларни маънавий ахлоқий тарбияланганлик даражасининг якуний натижалари (асословчи ва таъкидловчи тажрибалар)

Тажриба-синов босқичлари	Респондент-болаларнинг умумий сони $n_{1,2} = 304$ нафар					
	Тажриба гуруҳлари $n_1 = 151$ нафар			Назорат гуруҳлари $n_2 = 153$ нафар		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	38	49	64	32	51	70
Тажриба охирида	69	64	18	35	71	47

3-жадвалдаги кўрсаткичлар тажрибанинг охириги босқичида тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг респондентлари томонидан интеграцион ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаларини ифодаловчи қийматлар ўртасида жиддий фарқлар мавжудлигини тасдиқлайди.

